

**“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”**  
Коррупцияга қарши курашиш  
агентлиги директори



А.Бурханов

2025 йил 30 декабрь

**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг  
2026 йил I ярим йиллигига мўлжалланган  
ИШ РЕЖАСИ**

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини таъминлаш	«Ijro.gov.uz» тизимида Агентлик масъул бўлган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлашни назорат қилиш ҳамда бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.	2026 йил январ-июнь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.05.2021 й. ПК-5132-сон Қарори	Агентликда ижро интизомини мустаҳкамлашга, топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилишга эришилади.	Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими
2.	Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маърузани тайёрлаш	Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маърузани тайёрлаш юзасидан алоҳида режа жадвал асосида ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш	2026 йил январь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони	Жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида хабардор қилинади	Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими
3.	Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг томонидан амалга	Агентликнинг 2025 йилдаги фаолияти юзасидан таҳлилий ҳисоботни Ўзбекистон	2026 йил январь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг	Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар	Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
	оширилган ишлар ва эришилган натижалар бўйича таҳлилий ҳисобот тайёрлаш	Республикаси Президенти Администрацияси ва Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига киритиш		29.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони	киритилади ва амалиётга жорий этилади.	
4.	Давлат органлари ва ташкилотларида минимал мезонларга асосан коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ташкил этилишини мониторинг қилиш	<p>1. Давлат органлари ва ташкилотларида минимал мезонларга асосан коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ташкил этилиши ҳамда уларни малакали ходимлар билан тўлиқ жамланишини мониторинг қилиб бориш.</p> <p>2. Мониторинг натижалари юзасидан Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашга ахборот киритиш.</p>	2026 йил I-ярим йиллиги давомида  2026 йил июнь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2025 йилдаги ПҚ-147-сон қарори	Коррупцияга қарши ички назорат бўлимлари малакали кадрлар билан тўлдирилиши таъминланади.	Коррупцияни олдини олиш ва «комплаенс-назорат» тизимини жорий этиш бошқармаси
5.	Давлат органлари ва ташкилотлари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий аниқлаш ва баҳолашдан ўтказилишини ташкиллаштириш	<p>Давлат органлари ва ташкилотлари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий аниқлаш ва баҳолаш ишларини ташкил этиш.</p> <p>1. Давлат ташкилотининг коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхатини шакллантириш;</p> <p>2. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш натижалари бўйича ушбу хавф-хатарларни бартараф этиш чораларини тизимли равишда кўриш мақсадида “Коррупцияга</p>	2026 йил март	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.05.2022 йилдаги ПҚ-240-сон қарори	Давлат органлари ва ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни минималлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилади	Коррупцияни олдини олиш ва «комплаенс-назорат» тизимини жорий этиш бошқармаси

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
		<p>мойил бўлган муносабатлар электрон реестри”ни шакллантириш ва юритиш;</p> <p>3. Коррупциявий хавф-хатарларни қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, инсон омилини қисқартириш ва тегишли тартиб-таомиллар ва функцияларни рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш орқали бартараф этилишини назорат қилиш.</p>				
6.	<p>Давлат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш.</p>	<p>1. Давлат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтингини шакллантириш ҳамда баҳолаш натижаларини ОАВ орқали кенг жамоатчиликка эълон қилиш;</p> <p>2. “Қоникарли” деб баҳоланган давлат ташкилотларига уларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини янада яхшилаш бўйича тавсиялар киритиш;</p> <p>3. “Қоникарсиз” деб баҳоланган давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини яхшилашга қаратилган чора-</p>	2026 йил март	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.01.2022 йилдаги ПҚ-81-сон қарори	<p>Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлиги таҳлил қилинади, баҳоланади ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланади.</p>	<p>Коррупцияни олдини олиш ва «комплаенс-назорат» тизимини жорий этиш бошқармаси</p>

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
		тадбирлар дастурини ишлаб чиқишлигини таъминлаш.				
7.	Коррупция хавф-хатарлари юқори бўлган соҳаларда “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаларини амалга ошириш	1. Мактабгача ва мактаб таълими, капитал қурилиш, соғлиқни сақлаш ва олий таълим соҳаларида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тасдиқланган “йўл харита”лари ижросини доимий равишда таҳлил ва мониторинг қилиб бориш. 2. “Йўл харита”ларида белгиланган вазифалар ижроси ва амалга оширилган ишлар юзасидан таҳлилий маълумотларни ҳар чоракда Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашга тақдим этиб бориш.	2026 йил январ-июнь  Ҳар чоракда	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги ПФ-6013-сон, 27.11.2023 йилдаги ПФ-200-сон Фармонлари	“Коррупциясиз соҳа” лойиҳасининг амалга ошириш бўйича «йўл харита»ларида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши назорат қилиб борилади	Коррупцияни олдини олиш ва «комплаенс-назорат» тизимини жорий этиш бошқармаси
8.	Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш ва онлайн мониторинг қилиш тартибini белгилаш	“E-anticor.uz” электрон платформасида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш ва онлайн мониторинг қилиш ҳамда электрон платформадан фойдаланиш тартибini белгиловчи идоравий ҳужжатни ишлаб чиқиш.	2026 йил апрель	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.06.2024 йилдаги ПК-210-сон қарори	Манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларни автоматик аниқлаш тизими яратилади	Коррупцияни олдини олиш ва «комплаенс-назорат» тизимини жорий этиш бошқармаси
9.	Давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини ошириш бўйича тизимли чоралар кўриш	1. “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформасида давлат органлари ва ташкилотлари ходимларини ўқитиш ишларини ташкил этиш. 2. Чорак якуни бўйича Виртуал академия фаолияти юзасидан	2026 йил январ-июнь  Ҳар чоракда	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.06.2024 йилдаги ПК-228-сон қарори	Давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатини шакллантириш мақсадида малакаси оширилади.	Коррупцияни олдини олиш ва «комплаенс-назорат» тизимини жорий этиш бошқармаси

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
		ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш ва уни раҳбариятга киритиш.				
10.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекнефтгаз” АЖ ҳамда “Ўзсувтаъминот” АЖнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари фаолиятини мониторинг қилиш	<p>1. Эксперимент ўтказиладиган Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекнефтгаз” АЖ ҳамда “Ўзсувтаъминот” АЖларнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш.</p> <p>2. Мониторинг якуни бўйича ахборот-таҳлилий маълумот тайёрлаган ҳолда Президент Администрацияси ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашга тақдим қилиш.</p>	<p>2026 йил январь-июнь</p> <p>2026 йил июнь</p>	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2025 йилдаги ПҚ-147-сон қарори	Коррупцияга қарши ички назорат бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштирилади, эксперимент асосида коррупцияга қарши ички назорат тизимининг амалий самарадорлигини синовдан ўтказиш, натижалар асосида кенг кўламли ва барқарор тизим яратилади.	Коррупцияни олдини олиш ва «комплаенс-назорат» тизимини жорий этиш бошқармаси
11.	Раҳбар кадрларнинг коррупцияга қарши барқарорлиги даражасини баҳолашни ташкил этиш	<p>Коррупцияга қарши барқарорлик даражаси диагностикадан ўтиши лозим бўлган давлат органлари ходимлари рўйхатини шакллантириш ва Бошқарув самарадорлиги агентлигига тақдим этиш:</p> <p>- коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари ҳамда ушбу лавозимларга номзодлар;</p> <p>- соҳалар назоратига масъул инспекцияларда коррупциявий</p>	<p>Ҳар чоракда</p> <p>2026 йил 1 январь</p> <p>2026 йил 1 июн</p>	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.12.2025 йилдаги ПФ-243-сон Фармони	Давлат фуқаролик хизматчилари ўртасида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, уларнинг барқарорлик даражасини мунтазам баҳолаш ва бу орқали давлат хизматининг профессионал ва жавобгарликка асосланган модели шакллантирилади.	Коррупцияни олдини олиш ва «комплаенс-назорат» тизимини жорий этиш бошқармаси

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
		хавф-хатар даражаси «юқори» ва «ўрта» бўлган функциялар юклатилган лавозимларда фаолият юритаётган ходимлар ҳамда ушбу лавозимларга номзодлар.				
12.	Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари масъул ходимларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш	<p>1. Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимлари учун семинар-тренинг машғулотини ташкил этиш.</p> <p>2. Ўтказиладиган семинар-тренинг юзасидан ахборот-таҳлилий маълумотнома тайёрлаш ва Агентлик директорига тақдим этиш.</p>	2026 йил май	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги ПФ-6013-сон Фармони, 12.01.2022 йилдаги ПҚ-81-сон, 11.05.2022 йилдаги ПҚ-240-сон ва 21.04.2025 йилдаги ПҚ-147-сон қарорлари	Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари масъул ходимларининг соҳага оид билимлари ва кўникмалари оширилади.	Коррупцияни олдини олиш ва «комплаенс-назорат» тизимини жорий этиш бошқармаси
13.	2025 йил учун давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган “Очиқлик индекси”ни эълон қилиш	<p><b>2025 йил якунлари бўйича Очиқлик индексини шакллантиришга доир куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш:</b></p> <p>баҳолаш фаолиятида иштирок этадиган давлат органлари томонидан тақдим этилган баҳолаш натижаларини умумлаштириш;</p> <p>яқуний ҳисоблаш натижаларини кўриб чиқиш учун Баҳолаш комиссиясига тақдим қилиш;</p> <p>давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг</p>	2026 йил апрел-май	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.06.2022 й. ПФ-154-сон Фармони	Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлик даражаси баҳоланиб, “сарик” ва “қизил” тоифада баҳоланган давлат идораларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилади	Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш бошқармаси

№	Чора-гадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
		<p>очиқлик индексини расмий веб-сайт ва ОАВ орқали эълон қилиш;  “яшил” тоифадаги давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги ижобий тажрибасини оммалаштириш;  “сарик” тоифадаги давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини янада яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишга кўмаклашиш ва амалий ёрдам бериш;  <b>“қизил” тоифадаги давлат органлари ва ташкилотларида:</b>  очиқликни таъминлашга масъул бўлган ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий жазо чорасини қўллаш тўғрисида таклиф киритиш;  очиқликни таъминлашда йўл қўйилаётган тизимли камчиликларни ўрганиш, бартараф этиш ҳамда уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини яхшилаш бўйича чора-гадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.</p>				
14.	Давлат органларининг очиқликни таъминлашга масъул ходимларини “Е-	2026 йил якунига қадар давлат органларининг очиқликни таъминлашга масъул ходимларини	2026 йил январ - июнь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг	Очиқликни таъминлашга масъул бўлган ходимлар	Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
	learning” электрон платформасида ўқитиш	мазкур платформа орқали малакасининг оширилишини таъминлаш		27.11.2023 й. ПФ-200-сон Фармони	томонидан соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш самарадорлиги оширилади	очиқлигини таъминлаш бошқармаси
15.	Давлат органлари ва ташкилотларининг қайта алоқа тизими самарадорлиги даражасини баҳолаш	Давлат органлари ва ташкилотларида йўлга қўйилган қайта алоқа тизимларининг самарадорлиги даражаси, шунингдек ишонч телефонлар фаолияти сифатли йўлга қўйилганлиги “Қайта алоқанинг сирли мижози” тадбири орқали ўрганиш	2026 йил май	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2023 й. ПФ-200-сон Фармони	Давлат органлари ва ташкилотларида аниқланган камчиликлар бартараф этиш, қайта алоқанинг мавжудлиги, шу жумладан тезкорлиги ва белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаш чоралари кўрилади	Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш бошқармаси
16.	Очиқликни таъминлаш соҳасида “Ёш дастурчилар” танловини ўтказиш	Халқаро ташкилотлар кўмагида очиқ маълумотлар манбалари орқали давлат органларининг очиқликни таъминлаш ва коррупцияга қарши жараёнларини курашиш рақамлаштиришга қаратилган электрон дастурий таъминотлар (сайт, платформа) ишлаб чиқишга қаратилган “Ёш дастурчилар” танловини ўтказиш Хусусан: 1. Танлов йўналишлари сифатида коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ва давлат функцияларини танлаб олиш; 2. Танлов қатнашчиларининг энг яхши ғоя ва дастурий	2026-йил апрел-май	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон Фармони, 2026-йилги (кутилаётган) давлат дастури ижроси таъминланади. Ёш дастурчилар ва фаоллар ўртасида очиқ маълумотлар билан ишлашга оид кўникмалар шакллантирилади.	Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш бошқармаси

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
		таъминотларини мазкур соҳаларда жорий этиш чораларини кўриш.				
17.	Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очиқликка оид қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган маълумотларни эълон қилиш ҳолатини таҳлил қилиш.	<p>1. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очиқликка оид қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган маълумотларни ўз муддатида ва ресурсларда эълон қилиниши ҳолатини масофавий мониторинг қилиш.</p> <p>2. Мониторинг натижаларига кўра қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талаблар тўлиқ бажарилмаган давлат органлари ва ташкилотлари масъул ходимларига нисбатан тегишли интизомий чора қўллаш ва камчиликларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.</p> <p>3. Мониторинг натижалари бўйича давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очиқликка оид қонунчилик ҳужжатлари ижро этилиши ҳолатини ўрганиш.</p>	2026 йил май	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.06.2020 й. ПФ-6247-сон Фармони	Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очиқликка оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини сифатли бажарилиши таъминланади	Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиклигини таъминлаш бошқармаси
18.	Жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга имкон берган омилларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чораларни Миллий кенгаш йиғилишларида тегишли давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари иштирокида	2025 йилда қайд қилинган коррупциявий жиноятларни таҳлил қилиш ҳамда жиноятчилик кўрсаткичи ошган давлат органларида жиноятларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чораларни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаш	2026 йил январь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2023 й. ПФ-200-сон Фармони	Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга оид жиноятларни содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича	Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
	танқидий муҳокама қилиб бориш.	йиғилишларида муҳокама қилиш учун таклифлар киритиш.			чора-тадбирлар амалга оширилади.	
19.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тизими самарадорлигини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тизими самарадорлигини таҳлил қилиш. 2. Таҳлил натижалари бўйича тизимли муаммоларнинг рўйхати ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни шакллантириш. 3. Таҳлил натижалари бўйича аниқланган тизимли муаммоларни бартараф қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.	2026-йил февраль	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишдаги камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.	Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси
20.	Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро имижига зарар етказувчи жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилиш ҳамда яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ахборот киритиш	1. Олий суддан 2025 йилда судлар томонидан кўриб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро имижига зарар етказувчи жиноятларга оид суд ҳукмларини олиш ва комплекс таҳлил қилиш. 2. Таҳлил натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ахборот киритиш.	2026 йил февраль  2026 йил март	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони	Миллий манфаатларга ва халқаро имиджга зарар етказувчи жиноятлар содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади.	Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси
21.	Маҳаллий ҳокимликлар кесимида содир этилган коррупциявий жиноятларни таҳлил қилиш орқали коррупцияга имконият яратувчи сабаблар ва шарт	1. Маҳаллий ҳокимликлар кесимида содир этилган коррупциявий жиноятларни таҳлил қилиш орқали коррупцияга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш.	2026-йил март	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони	Маҳаллий ҳокимликлар тизимида коррупциявий омилларни бартараф этиш ҳамда соҳада очиқлик ва шаффофлик	Коррупцияга қарши курашиш тизимини таҳлил ва мониторинг қилиш бошқармаси

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
	шароитларни аниқлаш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.	2. Ўтказилган таҳлиллар якунини Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши йиғилишида муҳокама қилиш учун киритиш.	2026-йил апрель		таъминланишига хизмат қилади	
22.	Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, шу жумладан, коррупцияга нисбатан тоқатсизлик кайфиятини шакллантиришга қаратилган видеоматериаллар ишлаб чиқиш	1.Видеоматериаллар сценарийсини ишлаб чиқиш, сценарий асосида тасвирга олиш ишларини ташкил этиш 2.Видеоматериалларни ижтимоий тармоқлар орқали кенг тарқатиш ҳамда давлат хизматлари марказлари, соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари, бозорлар, вокзал, аэропорт ва бошқа аҳоли гавжум бўлган жойларда, LED экранларда жойлаштириш.	2026 йил январь июнь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 й. ПФ-6013-сон Фармони	Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотларни тарқатиш орқали жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабат шакллантириш чоралари кўрилади	Матбуот хизмати
23.	Ўқувчиларда коррупцияга нисбатан муросасизлик ҳис туйғуларини шакллантириш, шунингдек, мустаҳкам “иммунитет”га эга шахсларни тарбиялашга қаратилган чоралар самарадорлигини ошириш	Мактабларда “ <b>Ҳалоллик</b> ” тўғрақлари ташкил этилганлик ҳолатини мониторинг қилиш; “ <b>Ҳалоллик</b> ” тўғрақлари фаолиятини ташкил этиш бўйича умумий тавсиялар шакллантириш; Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан биргаликда “ <b>Ҳалоллик</b> ” тўғрақлари учун намунавий дастурлар шакллантириш.	2025 йил май	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.06.2024 йилдаги ПК-228-сон қарори	Ўқувчиларда коррупцияга нисбатан муросасизлик ҳис-туйғуларини шакллантириш, шунингдек, мустаҳкам “иммунитет”га эга шахсларни тарбиялашга қаратилган чоралар самарадорлиги оширилади	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси
24.	Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг	БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси қоидаларининг бажарилишини мониторинг	2026 йил март	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19	Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва

№	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
	иштирокини янада кенгайтириш	қилишга нодавлат нотижорат ташкилотларни жалб этиш: Бунда конвенция моддасининг Ўзбекистондаги ижроси юзасидан ННТлар томонидан муқобил ҳисобот тайёрланишига кўмаклашиш		сентябрдаги ПҚ-288-сон қарори	иштирокини янада кенгайтиришга хизмат қилади	халқаро ҳамкорлик бошқармаси
25.	Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашига фуқаролик жамияти институти вакилларининг фаолияти ва самарадорлигини ошириш бўйича ахборот киритиш	Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашига қуйидагиларни киритиш: нодавлат нотижорат ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги лойиҳалари ва уларни тегишли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан молиялаштириш юзасидан таклифлар; коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки, жумладан, уларнинг давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлиги, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилишида таклиф ва ташаббуслари, шунингдек, улар томонидан амалга оширилган лойиҳалар, тадқиқотлар ва ўрганишлар тўғрисида ахборот.	2026 йил март	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 сентябрдаги ПҚ-288-сон қарори	Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашига фуқаролик жамияти институти вакилларининг фаолияти ва самарадорлигини ошириш бўйича ахборот киритиш	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси
26.	ИХТТнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режаси доирасида 5-раунд мониторингининг 2-	ИХТТ экспертлари томонидан тақдим этиладиган саволномаларни миллий идоралар билан ҳамкорликда тўлдириш, тегишли маълумот ва ҳужжатларни	2026 йил январ-июнь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги	Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ислохотларини халқаро	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро

№	Чора-гадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Норматив-ҳуқуқий асоси	Мақсад (кутилаётган натижа)	Масъул ижрочилар
	босқичини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ташкил этиш.	йиғиш ҳамда тақдим этиш, мониторинг ташрифини ташкил этиш, баҳолаш натижалари муҳокамасида иштирок этиш		ПФ–6013-сон Фармони	стандартларга мувофиқ баҳолатиш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда миллий тизимни янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар олиш.	ҳамкорлик бошқармаси, Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими
27.	ИХТТ ва ОТБнинг Осиё ва Тинч Океани учун коррупцияга қарши курашиш ташаббуси (АСІ) доирасида 2026 йил минтақавий семинарини Ўзбекистон Республикасида ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ташкил этиш.	ИХТТ ва ОТБ Котибияти билан ҳамкорликда семинар концепцияси ва дастурини ишлаб чиқиш, устувор мавзулар ва ташкилий масалаларни келишиш. Семинар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳисобот ва таклифлар киритиш	2026 йил май-июнь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ–6013-сон Фармони	Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ислохотларини халқаро майдонда тақдим этиш. Давлат ва хусусий сектор ўртасида ҳалолликни мустаҳкамлаш бўйича илғор тажрибалар алмашиш. ИХТТ ва ОТБ билан институционал ҳамкорликни чуқурлаштириш.	Жамоатчилик билан алоқалар, мурожаатлар билан ишлаш ва халқаро ҳамкорлик бошқармаси, Коррупцияни олдини олиш ва «комплаенс-назорат» тизимини жорий этиш бошқармаси, Юрисконсулт, Ишлар бошқармаси